

Токио 2020: 18 ёшли мусулмон Олимпия ўйинларининг олтин медал соҳиби бўлди



14:30 / 27.07.2021 2253

18 ёшли мусулмон Аҳмад Ҳафнавий Токио Олимпиадасининг ҳақиқий кашфиётига айланди. Тунислик сузувчи ушбу ўйинларда олтин олган Африка қитъасининг биринчи вакили бўлди. Ҳафнавий 3.43.36 натижа билан 400 метрга эркин услубда ғолиб чиқди.

Ёш сузувчи икки тажрибали спортчини мағлуб эта олди. Австралиялик Жек Маклолин кумуш (3.43.52), америкалик Киран Смит кучли учликни ёпди (3.43.94).

Ҳафнавий 2018 йилги ўсмирлар орасида Олимпия ўйинларида худди шу масофада саккизинчи ўринни эгаллаган эди. Бу сафар у биринчи 200 метрни жаҳон рекорд вақт билан сузди.

«Аввалига финалга чиққанимдан, энди эса олтин медални қўлга киритганимдан хурсандман. Тўғриси, бундай натижани ўзимдан кутмаган эдим», - дея таъкидлайди чемпион.

Содир бўлган воқеадан Аҳмад шу қадар ҳайратда эдики, у жамоавий формасини бассейнга олиб келишни хаёлига ҳам келтирмади ва шохсупада машғулот формаси ва шортикда туриб медални олди.

Хуршид Маъруф тайёрлади